

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

«АВТОМАТИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯ» ФАКУЛЬТЕТИ  
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» КАФЕДРАСИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Автоматик ва электротехнология»  
факультети декани  
доц.Н. Тўйчибоев

«\_\_»\_\_ 2012й.

«ҲИМОЯГА ҚЎЙИЛДИ»  
«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»  
кафедраси мудири профессор  
А.Абдуллаев

«\_\_»\_\_ 2012й.

«Корхоналарда товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобини  
ташқил қилиш ва таҳлилини ўтказиш тартиби»

МАВЗУСИДАГИ

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

БАЖАРДИ: “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши 4-курс 1-гурух  
талабаси Абдураимов Муроджон

ИЛМИЙ РАҲБАР: и.ф.н., проф.Н.Умаров

МАСЛАҲАТЧИЛАР: катта ўқитувчи А.Мамажонов  
катта ўқитувчи Х. Шералиев

ТАҚРИЗЧИЛАР:

1. “Қўрғонтепадонмахсулот” ОАЖ
2. “Элга юксак ишонч” хусусий корхонаси

АНДИЖОН - 2012 йил

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ  
«Автоматик ва электротехнология» факультети, «БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ  
ВА АУДИТ» кафедраси,  
«БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ» йўналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
«Бухгалтерия ҳисоби ва  
аудит» кафедраси мудири  
профессор А.Абдуллаев

\_\_\_\_\_ 2011й.

## БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба: Абдураимов Муроджон

Битирув малакавий ишининг мавзуси: «Корхоналарда товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва таҳлилини ўтказиш тартиби»

1. 6-сонли 24 декабрь 2011 йил кафедра мажлисида маъқулланган.

2. Битирув малакавий ишни топшириш муддати: “\_\_\_\_\_” июнь 2012й.

Битирув малакавий ишни бажаришга доир бошланғич маълумотлар: Мавзуга оид қонуний-меъёрий ҳужжатлар, Президент фармонлари ва қарорлари, “Қўрғонтепадонмахсулот” ОАЖ нинг маълумотлари, илмий мақолалар ва тезислар.

3. Ҳисоблаш-тушунтириш ёзувларининг таркиби (ишлаб чиқиладиган масалалар рўйхати): Товар-моддий захиралар ҳисобининг назарий асослари ва уларни таҳлил қилишнинг аҳамияти, «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тизими ва уни такомиллаштириш, «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда материал ресурсларлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.

4. Чизма ишлар рўйхати (номи аниқ кўрсатилади):

1-жадвал. «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларнинг қабул қилиниши бўйича амалга оширилган муомалаларга берилган бухгалтерия ёзувлари

2-жадвал. «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларни омбордан чиқарилиши бўйича амалга оширилган муомалаларга берилган бухгалтерия ёзувлари.

3-жадвал. 16-қайднома. «Тайёр махсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати»

4-жадвал. Харажатларнинг умумий ведомости

# М У Н Д А Р И Ж А

|                                                                                                                    |    |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| <b>Кириш</b> .....                                                                                                 | 3  |
| <b>1-боб. Товар-моддий заҳиралар ҳисобининг назарий асослари ва уларни таҳлил қилишнинг аҳамияти</b>               |    |
| 1.1. Товар-моддий заҳираларнинг туркумланиши ва баҳолаш .....                                                      | 7  |
| 1.2. Товар-моддий заҳиралар ҳисобининг назарий ва ҳуқуқий асослари .....                                           | 12 |
| 1.3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг материал ресурсларини таҳлил қилишнинг зарурати, аҳамияти ва вазифалари ..... | 15 |
| <b>2-боб. «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий заҳираларни ҳисобга олиш тизими ва уни такомиллаштириш</b>    |    |
| 2.1. Материалларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби .....                                                         | 18 |
| 2.2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби .....                                                                      | 23 |
| 2.3. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби .....                                                                                | 26 |
| 2.4. Товар-моддий заҳираларнинг ҳисобини такомиллаштириш йўллари .....                                             | 30 |
| <b>3-боб «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда материал ресурсларлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили</b>               |    |
| 3.1. Материал ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таҳлил қилиш услуби ..... | 33 |
| 3.2. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки баҳолаш .....                                      | 36 |
| 3.3. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг омилли таҳлили .....                                       | 40 |
| <b>Хулоса ва таклифлар</b> .....                                                                                   | 48 |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....                                                                      | 52 |

# **Корхоналарда товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва таҳлилини ўтказиш тартиби**

## **Кириш**

### **1-боб. Товар-моддий захиралар ҳисобининг назарий асослари ва уларни таҳлил қилишнинг аҳамияти**

- 1.1. Товар-моддий захираларнинг туркумланиши ва баҳолаш
- 1.2. Товар-моддий захиралар ҳисобининг назарий ва ҳуқуқий асослари
- 1.3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг материал ресурсларини таҳлил қилишнинг зарурати, аҳамияти ва вазифалари

### **2-боб. «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тизими ва уни такомиллаштириш**

- 2.1. Материалларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби,
- 2.2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби
- 2.3. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби
- 2.4. Товар-моддий захираларнинг ҳисобини такомиллаштириш йўллари

### **3-боб. «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда материал ресурсларлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.**

- 3.1. Материал ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таҳлил қилиш услуги
- 3.2. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки баҳолаш
- 3.3. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг омилли таҳлили

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Маълумки, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини кўтариш, уларнинг таннарҳини пасайтириш долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу масалаларнинг ечими нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектларни, балки иқтисодчи олимларни ҳам қизиқтириб келмоқда.

Аксарият иқтисодчи олимларнинг фикрича маҳсулот таннарҳини пасайтиришга иш ҳақи харажатларини камайтириш орқали эришилса, бошқа олимларининг фикри бу масала бўйича ўзгачароқ бўлиб, уларнинг фикрича маҳсулот таннарҳини камайтиришга асосий фондлардан самарали фойдаланишга боғлиқдир.

Юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг фикрлари исботланган бўлсада, Республикамизда аҳолини ижтимоий ҳимояга қилишга қаратилган сиёсатини эътиборга олиб бугунги кунда меҳнат ҳақини камайтириш орқали маҳсулот таннарҳини пасайтириш дуруст эмас, шунингдек, бу ҳолат маҳсулот сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

2011 йилда Республикамизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга ортди. Аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Ушбу ҳолат банкларнинг аҳоли маблағларини кенг жалб этиш ва омонат турларини кенгайтиришга замин яратмоқда<sup>1</sup>.

Асосий фондлардан самарали фойдаланиш учун янгидан янги замонавий меҳнат воситаларига эҳтиёж туғилади. Бундай асосий фондларга эга бўлиш ва самарадорликка эришиш кўп жиҳатдан корхананинг молиявий ҳолатига боғлиқдир.

“Ўзбекистон мустақилликкача бўлган даврдаги четга хом-ашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакатдан бугунги кунда тобора қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва кўпроқ ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик модернизация қилиш учун мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда.

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш натижасида мамлакатимиз пахта яккаҳокимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

карамликдан халос бўлди. Унинг экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизга тушди”<sup>2</sup>.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва таннарҳини камайтиришга субъектнинг товар-моддий захираларини ҳисобини тўғри ташкил қилиш, улардан самарали фойдаланишни таҳлил қилишга ҳам бевосита боғлиқдир.

Мана шундай карама-қаршиликлар, ушбу мавзунини қайта-қайта ўрганишни ва ишлашни талаб қилиб келмоқда. Шу муносабат билан айтиш лозимки, “Корхоналарда товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва таҳлилини ўтказиш тартиби” мавзуси бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири бўлиб ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган корхоналарда товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш бўйича мавжуд меъёрий ҳужжатлар билан танишиб чиқиш, материал ресурслардан самарали фойдаланишни таҳлил қилиш услубиётини ҳамда таҳлил қилиш ишларини батафсил ўрганиш ва корхоналарда товар-моддий захиралар ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва бу вазифалар тўлиқ ўрганилди:

- товар-моддий захираларнинг туркумлаш ва уларни баҳолашни ўрганиш;
- товар-моддий захиралар ҳисобининг назарий ва ҳуқуқий асослари кўрсатиб бериш;
- ҳўжалик юритувчи субъектларнинг материал ресурсларини таҳлил қилишнинг зарурати, аҳамияти ва вазифалари ёритиб бериш;
- материалларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби билан таништириш;
- тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга тартибини кўрсатиб бериш;
- тайёр маҳсулотлар ҳисобини юритишни ёритиб бериш;
- товар-моддий захираларнинг ҳисобини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;
- материал ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таҳлил қилиш услубини кўрсатиб бериш;
- материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки баҳолашни амалга ошириш;
- материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг омилли таҳлил қилиш.

**Битирув малакавий ишининг объекти** бўлиб, «Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖ ҳисобланади ва битирув малакавий ишини бажариш жараёнида мазкур жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлардаги маълумотларидан кенг фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг предмети.** Корхоналарда товар-моддий захиралар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва таҳлилини ўтказиш

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 59-61-б.

тартиби кўрсатиб бериш билан бирга ҳисоб ҳамда таҳлил ишларини такомиллаштиришдан иборат.

**Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. ва услубий асослари.** Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг иқтисодий ривожлантиришга оид асарлари, Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Молия Вазирлигининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи услубий бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлардан фойдаланилди. Шунинг билан бир қаторда иқтисодчи олимларнинг бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик хизматини ривожлантиришга бағишланган илмий ишлари маълумотлари ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишида товар-моддий заҳираларнинг ҳисоби ва таҳлили бўйича келтирилган назарий ҳамда амалий кўрсатмалардан хўжалик юритувчи субъектларда фаолият кўрсатаётган бухгалтерлар тўлиқ фойдаланишлари мумкин.

**Битирув малакавий ишининг таркиби ва ҳажми.** Битирув малакавий иши кириш, асосий қисмни ифодаловчи учта боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Битирув малакавий ишининг кириш қисмида** мавзунинг долзарблиги, битирув малакавий ишнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, назарий, услубий асослари, амалий аҳамияти ва бошқалар баён этилган.

**Битирув малакавий ишининг биринчи бобида** “Товар-моддий заҳиралар ҳисобининг назарий асослари ва уларни таҳлил қилишнинг аҳамияти” бўйича фикр юритилиб, унда товар-моддий заҳираларнинг туркумланиши ва баҳолаш, товар-моддий заҳиралар ҳисобининг назарий ва ҳуқуқий асослари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг материал ресурсларини таҳлил қилишнинг зарурати, аҳамияти ва вазифалари батафсил ёритиб берилди.

**Битирув малакавий ишининг иккинчи боби** “«Кўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий заҳираларни ҳисобга олиш тизими ва уни такомиллаштириш” га қаратилган бўлиб, унда материалларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби, тайёр маҳсулотлар ҳисоби, товар-моддий заҳираларнинг ҳисобини такомиллаштириш йўллари очиб берилди.

**Битирув малакавий ишининг учинчи бобида** “«Кўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили” бўлиб, ушбу бобда материал ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таҳлил қилиш услуби, материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки баҳолаш, материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг омилли таҳлили мисоллар ёрдамида амалга оширилди.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва тақлифлар қисмида мавзу бўйича илмий мулоҳазалар ҳамда амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

## **1-боб. Товар-моддий захиралар ҳисобининг назарий асослари ва уларни таҳлил қилишнинг аҳамияти**

### **1.1. Товар-моддий захираларнинг туркумланиши ва баҳолаш**

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини товар-моддий захираларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса уларда мавжуд бўлган товар-моддий захираларни туркумлаш ва уларни баҳолашга зарурат туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 4-сонли “Товар-моддий захиралар” номли миллий стандарти<sup>3</sup>га асосан товар-моддий захиралар (ТМЗ) қуйидагилар тарзида хўжалик субъектларида бўлган активлар ҳисобланади:

1. Ҳом ашё, ҳарид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, идишлар, эҳтиёт қисмлар, инвентарь ва хўжалик анжомлари (арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар), ишлаб чиқариш жараёнида ёки ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиш учун мўлжалланган бошқа материаллар захиралари.
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар;
3. Хўжалик юритувчи субъектнинг кундалик фаолиятида сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, товарлар.

Товар моддий захиралар улардан фойдаланишнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади<sup>4</sup>:

- Ҳом-ашё - маҳсулотнинг моддий асосини ташкил этадиган меҳнат ашёларидир. Масалан, пахта, руда ва бошқалар;
- Материаллар - ҳом-ашёга таъсир этиш учун қўлланиладиган ва маҳсулотга маълум истеъмол хусусиятини беришда фойдаланиладиган воситалардир. Улар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини ташкил этади, яъни газлама, чарм, металл ва ҳоказолар;
- Сотиб олиннадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар - маълум даражада ишлов босқичидан ўтган, лекин ҳали пировард маҳсулот даражасига етказилмаган маҳсулотлар;
- ёқилғи - кўмир, бензин, торф, газ ҳамда нефть маҳсулотлари;
- Эҳтиёт қисмлар - машина ва жиҳозларни тузатишда, ишдан чиққан қисмларни алмаштиришда қўлланиладиган машина ва механизмларнинг деталь, агрегат ва қисмлари;
- Қурилиш материаллари - бевосита қурилиш ва монтаж ишлари жараёнида, қурилиш қисмларини тайёрлашда, бино ва иншоотларнинг алоҳида конструкция ва қурилмаларини кўтаришда ва қуриб тугатишда фойдаланилади. Уларга қурилиш учун зарур бўладиган ёғоч-тахта, шифер, мих ва бошқалар киради;

<sup>3</sup> Мазкур Стандартга ЎзР АВ 20.11.2002 й. 486-1-сон билан рўйхатга олинган ЎзР МВ Буйруғига мувофиқ ўзгартиришлар киритилган

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 4 сонли “Товар-моддий захиралар” номли миллий стандарти



- Идиш ва идиш материаллари - турли материал ва маҳсулотларни ўраш, жойлаштириш, ташиш ҳамда сақлашда ишлатиладиган буюмлардир. Уларга ёғоч, картон, металлдан ясалган, шиша ва бошқа идишлар киради;
- Инвентарь ва хўжалик анжомлари - ушбу гуруҳга корхона хўжалик фаолиятида ишлатиладиган инвентарь буюмлар киради;
- Бошқа томонга қайта ишлашга берилган материаллар - корхона балансида турган, қайта ишлаш учун бошқа корхонага берилган материаллар. Уларга, асосан, қайта ишлаш учун ўзга корхонага берилган маҳсулотлар киради;
- Бошқа материаллар - юқоридаги сатрларда кўрсатиб ўтилмаган бошқа материаллар киради. Уларга чиқитлар, тузатилмайдиган браклар, металлом ва бошқалар мисол бўлади;
- Тайёр маҳсулот - корхонадаги барча ишлов операцияларидан ўтиб бўлган, тайёр ҳолга келтирилган белгиланган давлат стандарти ва техникавий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган ҳамда техника назорати бўлими томонидан қабул қилинган ёки буюртмачиларга топширилган маҳсулотдир;
- Омбордаги маҳсулот - ишлаб чиқаришнинг барча ишлов операцияларидан ўтиб, техника назорати бўлими томонидан омборга бенуқсон деб қабул қилинган ва асосан сотишга мўлжалланган товар маҳсулоти тушунилади;
- Товар маҳсулоти — бу истеъмолчиларга етказиб бериш учун мўлжалланган маҳсулотлар ҳисобланади.

Инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига қуйидаги мезонлардан бирига жавоб берадиган мол-мулк киритилади:

а) хизмат муддати бир йилдан ошмайдиган;

б) қиймати бир бирлик (комплект) учун хизмат муддатида қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида белгиланган (ҳарид қилиш пайтида) энг кам иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда бўлган буюмлар. Раҳбар ҳисобот йилига уларни инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибида ҳисобга олиш учун буюмлар қийматининг бундан паст чегарасини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар инвентарь ва хўжалик анжомлари таркибига киритилади:

- маҳсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумли ва оммавий ишлаб чиқариш ёки яқка тартибдаги буюртмани тайёрлаш учун мўлжалланган мақсадли вазифадаги асбоблар ва мосламалар);
- маҳсус ва санитария кийимлари, маҳсус пойабзал;
- кўрпа-тўшаклар;
- ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва ҳоказо);
- ошхона инвентари, шунингдек сочиқ-дастурхонлар;

- уларни барпо этиш курилиш-монтаж ишларининг таннарҳига киритиладиган вақтинчалик (титулда бўлмаган) иншоотлар, мосламалар ва курилмалар;
- фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлган алмаштириладиган ускуналар;
- овлаш куруллари (траллар, ёйма тўрлар, тўрлар, анжомлар, матраплар ва ҳоказо).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг товар-моддий захиралари юқорида келтириб ўтилганидек туркумланар экан, қуйида уларнинг баҳоланишини батафсил ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Товар-моддий захираларнинг таннарҳи барча сотиб олиш харажатларини ва товар-моддий захираларни манзилига етказиб бериш ва тегишли ҳолатга келтириш билан боғлиқ бўлган транспорт-тайёрлов харажатларини ўз ичига олади.

Товар-моддий захираларни сотиб олиш харажатлари сотиб олиш қийматини, импорт божлари ва йиғимларни, маҳсулотни сертификация қилиш харажатларини, таъминот, воситачи ташкилотларга тўланган комисион тўловларни, солиқларни, шунингдек транспорт-тайёрлов харажатлари, хизмат ва захираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Савдо дисконтлари, сийловлари ва шунга ўхшаш бошқа чегирмалар товар-моддий захираларни сотиб олиш харажатларини белгилашда амалга оширилади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш харажатлари бевосита ва билвосита, ўзгарувчан ва доимий ишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олади.

Бевосита харажатлар - битта маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ харажатлардир, шу жумладан:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари;
- асосий ишлаб чиқаришдаги ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғурта учун ажратмалар.

Ушбу харажатлар ўзгарувчандир, чунки уларнинг миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бевосита боғлиқдир.

Билвосита харажатлар - ёрдамчи ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларини сақлаш, жорий ва капитал ремонт қилиш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан қатъи назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган бошқа харажатлар сингари ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш аҳамиятидаги харажатлардир.

Бошқа харажатлар, агар улар товар-моддий захираларни манзилига етказиш пайтида ёки уларни тегишли ҳолатга келтириш вақтида пайдо бўлган тақдирдагина товар-моддий захираларнинг таннарҳига киради

Хулоса қилиб айтганда, товар моддий захираларни туркумлаш улардан фойдаланишни бир маъромда боришини таъминлайди. Шунингдек, уларни балансда акс эттиришда таннарҳдан ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам баҳо бўйича баҳоланади.

## 1.2. Товар-моддий захиралар ҳисобининг назарий ва ҳуқуқий асослари

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бир маъромда боришини таъминлаш учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни сифатини ошириш билан бирга ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали маҳсулот таннарҳини пасайтиришга ҳаракат қиладилар. Шунингдек, имкон қадар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни ташқи бозорга олиб чиқиш, яъни маҳсулотларни экспорт қилиш орқали корхоналар фаолиятини яхшилаш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб, “жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора- тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ”<sup>5</sup>, деб хулоса чиқарган эди.

Маълумки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннарҳининг асосини ҳом ашё ва материаллар ташкил қилади. Материалларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга сарфланишини белгиланган меъёрларда сарфланиши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни таннарҳини ўринсиз равишда ортиб кетшини олди олинади. Ҳом-ашё ва материаллар, сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғиларни қабул қилиш, уларни сақлаш, ҳамда уларни белгиланган меъёрларда сарфланиши хўжалик субъектларида бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилишга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мустақилликка эришгандан сўнг Республикамизда иқтисодиёт соҳасида, жумладан бухгалтерия ҳисобининг ислоҳоти бўйича қатор ишлар амалга оширилди ва ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августдаги «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ишлаб чиқилган бўлиб, Қонуннинг 4-моддасида “Бухгалтерия ҳисоби объектлари” белгилаб берилган. Унда: - “Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг объектларидир”- дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28 август 1998 йилда N 486 билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 27 август 1998 йилда №44 билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 4-сонли “Товар-моддий захиралар” номли миллий стандарти ишлаб чиқилди.

Товар-моддий захиралар (ТМЗ) қуйидагилар тарзида хўжалик субъектларида бўлган активлар ҳисобланади: ҳом ашё, харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар; ёқилғи; идишлар; эҳтиёт қисмлар; инвентарь ва хўжалик анжомлари; ишлаб чиқариш жараёнида ёки

---

<sup>5</sup>Ўша манба, 6-б.

ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишда фойдаланиш учун мўлжалланган бошқа материаллар захиралари; тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар; хўжалик юритувчи субъектнинг кундалик фаолиятида сотиш учун мўлжалланган тайёр маҳсулотлар, товарлар<sup>6</sup>.

Мазкур стандартда қуйидагилар ёритиб берилган:

- Товар-моддий захираларни баҳолаш;
- Товар-моддий захираларнинг таннарҳи;
- Хизмат соҳаси корхоналари учун товар-моддий захираларнинг таннарҳи;
- Таннарҳни ҳисобга олиш усуллари;
- ТМЗ қийматини баҳолаш усуллари;
- Сотининг соф қиймати;
- Харажатни эътироф этиш;
- Инвентарь ва хўжалик анжомларини ҳисобдан чиқариш;
- Инвентарлаш;
- Очиб бериш.

Юқоридаги тушунчалардан ташқари товар моддий захиралар бўйича Республикамиз ва хорижлик олимларнинг фикрларини келтиришни лозим топдик.

“Товар захиралари ўз таркибига фирмада мавжуд бўлган барча товарларни, жумладан сотиш учун мўлжалланган ва жўнатилганлар киритилади. Улар айланма маблағлар таркибига, яъни бир йил давомида айланиб пул кўринишида намоён бўлади<sup>7</sup>”.

“Саноат корхоналарида материал захиралари уч кўринишда: ҳом-ашё, ярим тайёр маҳсулот (тугалланмаган ишлаб чиқариш) ва тайёр маҳсулот шаклида намоён бўлади<sup>8</sup>”.

Юқорида келтирилган таърифлар, Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, Низомлари ва Йўриқномалар хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захиралар ҳисобини юритишнинг ҳам назарий ҳам ҳуқуқий асосини беради деб айтиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий захираларнинг ҳисоби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида юритилади.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 4 сонли “Товар-моддий захиралар” номли миллий стандарти

<sup>7</sup> Б.Нидлз, Х.Андерсон ва Д.Колдуэллар томонидан “Принципы бухгалтерского учета” Москва “Финансы и статистика” 1999 йил 157-158 бетлар

<sup>8</sup> Б.Нидлз, Х.Андерсон ва Д.Колдуэллар томонидан “Принципы бухгалтерского учета” Москва “Финансы и статистика” 1999 йил 157-бет

### 1.3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг материал ресурсларини таҳлил қилишнинг зарурати, аҳамияти ва вазифалари

Бугунги кунда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг асосий мақсади маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш бўлиб, материал ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берадилар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга сарфланаётган асосий, ёрдамчи материаллар ва ёқилғиларни исрофгарчилиги олдини олиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таннарҳини пасатириш имкониятига эга бўлиш мумкинлиги маълум.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда материал ресурсларнинг аҳамияти катта бўлиб, уларсиз айрим ҳолларда маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти чекланади ва айрим ҳолларда эса умуман мумкин эмас. Материал ресурслардан ўриндошлик билан фойдаланиш оқибатида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатлари яхшиланади, хизмат қилиш муддатлари эса кўпаяди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тузилган бизнес режанинг бажарилиши, таннарҳнинг пасайиши, фойда ва рентабелликнинг ошиши, корхонани материал ресурслар билан белгиланган ассортимент ва сифати бўйича таъминланишига боғлиқ. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъектларда ўз ишлаб чиқаришини бир меъёрга самарали ривожланишини таъминлаш мақсадида узоқ муддатга мўлжалланган бизнес режаларига асосланган ҳолда материал ресурслар билан таъминлашга алоҳида эътибор берадилар.

Хўжалик юритувчи субъектларда материал ресурсларини таҳлил қилишнинг зарурати вужудга келиб, материаллар ресурслар билан бир маъромда таъминлаш, улардан унумли фойдаланиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларнинг материал ресурслар билан ўз вақтида, зарурий миқдорларда, белгиланган сифатда ҳамда бир маъромда таъминланиши улардан рационал фойдаланиш натижасида унинг иқтисодий ривожланиши ва тараққий этиши учун ҳар томонлама таъсир этади. Материал ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланишни таъминлаш учун ҳозирги даврда замонавий янги техникалардан тўғри фойдаланиш, шунингдек, самарали технологияларни ишлаб чиқаришга тезкорлик билан татбиқ этишни тақозо этади. Чунки, улар ёрдамида материал ресурсларни ишлаб чиқаришга сарф қилиниши, тежалиши таъминланади.

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишнинг аҳамияти катта бўлиб, таҳлил қилиш натижасида самарадорлик кўрсаткичларини ошириш учун ички имкониятларни аниқлаш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий ресурслар билан таъминланганлигани ва улардан самарали фойдаланишни таҳлил этишда бошқарув таҳлилининг энг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Хўжалик юритувчи субъектларнинг зарурий моддий ресурслари билан таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- моддий ресурсларни корхонага етказиб бериш ҳажмини, комплекслиги, сифатлиги, сортлиги ҳамда маромийлигининг даражасини белгилаш;
- моддий ресурсларни етказиб бериш борасида корхоналараро тузиладиган шартномаларнинг ўз вақтида тузилганлигини аниқлаш;
- моддий техника таъминоти белгиланган режасининг ҳақиқатга яқинлигини текшириш;
- транспорт-тайёрлов харажатларини ҳисоблаш;
- материаллардан фойдаланиш самаралигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларни маҳсулот ҳажмига ҳамда унинг таннарҳига таъсирини миқдор жиҳатдан ҳисоблаш;
- ҳом-ашё, ёқилғи ва материалларга баҳо беришда фойдаланилмай қолган ички имкониятларини аниқлаш, таҳлил қилиш ва бошқалар.

Таҳлил учун зарурий маълумотлар моддий техника таъминоти режаси, ҳом ашё ва материаллар бўйича тузилган шартнома ҳамда моддий ресурслар мавжудлиги ва улардан фойдаланишнинг статистик ҳисоботидан олинади. Хўжалик юритувчи субъектларда меҳнат предметларидан фойдаланишни таҳлил этишда уларнинг сарфланиши бўйича ўрнатилган меъёрий маълумотлардан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, материал ресурсларни таҳлил қилишнинг аҳамияти катта бўлиб, материал ресурсларни таҳлил қилиш ҳам зарурий ҳолдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, иқтисодий адабиётларда хўжалик юритувчи субъектларнинг материал ресурсларини таҳлил қилишнинг зарурати, аҳамияти ва вазифалари белгилаб берилган бўлиб, уларни тўлиқ ўрганган ҳолда материал ресурсларни таҳлил қилишдан олинган натижа биринчидан уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини берса, иккинчидан келгисидаги самарадорликни прогноз қилиш имкониятини яратади.

**2-боб. «Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларни ҳисобга олиш тизими ва уни такомиллаштириш**

**2.1. Материалларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби,**

«Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖнинг бухгалтерия бўлимида товар-моддий захираларни ҳисобини юритувчи бўлим мавжуд бўлиб, уларнинг ҳисобини юритишда қуйидаги счетлардан фойдаланилади<sup>9</sup>:

1010-«Ҳом-ашё ва материаллар»

1020-«Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар»

1030-«Ёқилғи»

1040-«Эҳтиёт қисмлар»

1050-«Қурилиш моллари»

1060-«Идиш ва идиш материаллари»

1070-«Бошқа томонга қайта ишлаш учун берилган материаллар»

1080-«Инвентар ва хўжалик анжомлари»

1090-«Бошқа материаллар».

Ушбу счетларнинг дебитида товар-моддий захираларнинг кўпайиши, кредитида эса уларнинг ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун сарфланиши акс эттирилади. Юқорида санаб ўтилган счетлар актив ҳисобланиб, уларнинг дебитидаги қолдиқ ҳисобот даври бошидаги материаллар қолдиғини акс эттиради.

Қуйидаги 1-жадвал ёрдамида битирув малакавий ишининг объекти ҳисобланган «Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларни қабул қилинишига берилган ва ҳақиқатда берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзувини кўриб чиқишни лозим топдик.

1-жадвал

«Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларнинг қабул қилиниши бўйича амалга оширилган муомалаларга берилган бухгалтерия ёзувлари ва берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзувлари  
(минг сўм ҳисобида)

| № | Муомалалар                                                                                                          | Сумма  | Берилган бухгалтерия ёзуви | Берилиши лозим бўлган бух. ёзуви |
|---|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------|----------------------------|----------------------------------|
| 1 | Шартномага асосан мол етказиб берувчилар счётлари ва омбор кирим ордерлари асосида омборга ҳом-ашёлар қабул қилинди | 100000 | Дт 1010<br>Кт 6010         | Дт 1010<br>Кт 6010               |
| 2 | Қабул қилиш вақтида ҳом-ашёларнинг камомати аниқланди                                                               | 3500   | Дт 4860<br>Кт 6010         | Дт 4860<br>Кт 6010               |

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сон миллий стандарти

|   |                                                    |                  |       |                    |                    |
|---|----------------------------------------------------|------------------|-------|--------------------|--------------------|
| 3 | Жамиятнинг<br>тайёрланган<br>омборга қабул қилинди | Ўзида<br>идишлар | 10000 | Дт 1060<br>Кт 2310 | Дт 1060<br>Кт 2310 |
|---|----------------------------------------------------|------------------|-------|--------------------|--------------------|

Материаллар мол етказиб берувчилардан сотиб олинганида кўп ҳолларда уларни сотиб олиш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ операциялар 1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётида ҳисобга олинади. Ушбу счётининг дебетида 6010, 2310, 2010, 6990 ва бошқа счётларнинг кредитлари бўйича материалларнинг сотиб олиш қиймати қиймати шаклланади. Шунингдек бу ерда материаллар билан боғлиқ транспорт-тайёрлов харажатлари ҳам ифодаланади. Бу счётининг кредит томонида 1010-1090-счётларнинг дебети бўйича ҳақиқатда келиб тушган ва кирим қилинган материалларнинг ҳисоб қиймати акс эттирилади.

Ҳисоб нарҳларида қабул қилинган материаллар ва уларни сотиб олиш ҳамда тайёрлаш қийматлари орасидаги фарқ 1610-«Материаллар қийматидаги оғишлар» счётига ўтказилади ва ҳар ойнинг охирида 1610-«Материаллар қийматидаги оғишлар» счётининг дебетида йиғилган сумма ишлаб чиқаришга ва бошқа эҳтиёжларга сарфланган материалларнинг қийматига мутаносиб тақсимланиб, харажатлар счётига кўчирилади.

1510-«Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счёти дебетидаги қолдиқ корхонага ҳали келиб тушмаган йўлдаги материаллар қийматини ифодалайди.

Материалларнинг ҳақиқий таннарҳи таркибига транспорт-тайёрлов харажатлари ҳам киради. Буларга материалларнинг шартнома қийматидан ташқари уларни сотиб олиш билан боғлиқ барча харажатлар киради. Бу харажатлар материалларнинг турлари бўйича тегишли счётларда мавжуд материалларнинг умумий ҳажми бўйича транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ва фоизини ҳисоблаб чиқаради. Бу эса ҳисобот оyi давомида сарфланган материалларга тўғри келадиган транспорт-тайёрлов харажатларини аниқлаб ҳисобдан чиқариш учун зарур.

Сарфланган материаллар қайси счётларга ўтказилган бўлса, транспорт-тайёрлов харажатлари суммаси ҳам шу счётларга ёзилади. Ҳақиқий таннарҳнинг режадан ошиш улушини топиш ва ҳисобга олиш ҳам шу тартибда бажарилади. Бу ерда фарқ шундаки, оғишиш (тежалган ёки ортиқча харажат) бўлиши мумкин. Ортиқча харажат транспорт-тайёрлов харажатларига ўхшаб, режа таннарҳини кўпайтиради, тежалган сумма эса уни камайтиради. Тежалган сумма минус ёки қизил сторно билан ёзилади.

Материалларнинг сарфланишини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олишнинг муҳим хусусиятлари мавжуд. Корхонада материаллар қуйидаги мақсадлар туфайли омордан чиқиб кетиши мумкин:

- ишлаб чиқаришга сарфланганида;
- ортиқча материаллар сотилганида ва бошқа ҳолларда.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклидаги корхоналарда ишлаб чиқариш учун сарфланган материалларнинг улгуржи баҳоси, шартнома ёки режа таннарҳи бўйича 10-журнал-ордер, бошқа мақсадлар учун сарфланган материаллар эса 10/1-журнал-ордерга ёзилади.



Моддий бойликлардан тўғри фойдаланиш мақсадида ҳар бир корхона зарур бўлмаган материалларнинг бор-йўқлигини текшириб кўриши лозим. Агарда корхонада кераксиз ёки ортиқча материал борлиги аниқланса, уни бошқа корхонага сотиши мумкин.

Қуйидаги 2-жадвал ёрдамида битирув малакавий ишининг объекти ҳисобланган «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларни омбордан чиқарилишига мазкур жамият томонидан берилган ва ҳақиқатда берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзувини кўриб чиқишни лозим топдик.

2-жадвал

«Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий захираларни омбордан чиқарилиши бўйича амалга оширилган муомалаларга берилган бухгалтерия ёзувлари ва берилиши лозим бўлган бухгалтерия ёзувлари

(минг сўм ҳисобида)

| № | Муомалалар                                             | Сумма | Берилган бухгалтерия ёзуви | Берилиши лозим бўлган бух. ёзуви |
|---|--------------------------------------------------------|-------|----------------------------|----------------------------------|
| 1 | Омбордан асосий ишлаб чиқаришга хом ашёлар берилди     | 20000 | Дт 2010<br>Кт 1010         | Дт 2010<br>Кт 1010               |
| 2 | Омбордан ёрдамчи ишлаб чиқаришга материаллар сарфланди | 5000  | Дт 2310<br>Кт 1010         | Дт 2310<br>Кт 1010               |

Товар-моддий захираларнинг ҳаракатини ҳисобга олишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28 август 1998 йилда № 486 билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 27 август 1998 йилда № 44 билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 4-сонли “Товар-моддий захиралар” номли миллий стандартдан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 23.10.2002 йилда № 1181 рақами билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 09.09.2002 йилда № 103 рақами билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сон миллий стандартида товар-моддий захираларини ҳисобга олиш учун белгиланган счётлардан фойдаланилади.

## 2.2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисоби

Ҳисобот оyi охирида харажатлар жамлаб-тақсимлаш ва калькуляция қилиш счетларидан «Асосий ишлаб чиқариш» смети дебетиға ўтказилгандан сўнг уларни тайер маҳсулот билан тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимлаш зарурияти туғилади. Режалаштириш ва ҳисобда ялпи товар маҳсулотлари ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш тушунчалари мавжуд.

Ялпи маҳсулот деб, ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган ҳамма тайер ва ярим тайер маҳсулотларнинг пул шаклидаги ифодасига айтилади. Шунингдек, ялпи маҳсулот таркибига четга сотилган ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларининг маҳсулотлари, саноат характеридаги бажарилган иш, хизматлар ҳамда корхонанинг ўз капитал қурилиш ва саноатга тааллуқли бўлмаган ишлаб чиқариши ҳамда хўжаликлар учун бажарилган ишлар ҳам киритилади.

Товар маҳсулоти дейилганда четга сотиш учун мўлжалланган тайер маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг пул шаклидаги ифодаси тушунилади.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш деб, технологик жараёнда кўзда тутилган ҳамма ишлаб чиқариш босқичини ўтмаган, техника назорати томонидан текшириб қабул қилинмаган буюм ва маҳсулотларга айтилади.

Бу тур ишлаб чиқариш таркибига қайта ишлаш жараёнидан ўтган ҳом ашё, материал ва ярим тайер маҳсулотлар, детал ҳамда узеллар, белгиланган синов шартларидан ўтмаган маҳсулотлар, ўзи тайер ҳолга келтирилган, аммо техник назорат бўлими томонидан қабул қилинмаган маҳсулотлар киради.

«Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда тугалланмаган ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш учун 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» сметининг давр охиридаги қолдиғи бўйича ҳисоб юритилади.

Жамиятда вақти-вақти билан тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризация қилинади. Инвентаризация уни ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ўтказилади. Бундан ташқари қўшимча қилиб айтишимиз мумкинки ишлаб чиқариш хусусиятлари, шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда тегашли вазирлик ва бошқармалар томонидан белгиланган муддатларда ҳам инвентаризация ўтказилади.

Инвентаризация натижасида аниқланган тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи тайёр маҳсулотни калькуляция қилишда қўлланиладиган калькуляциялаш моддалари бўйича ҳақиқий таннархда баҳоланади. Брак ҳисобига нобудгарчилик, махсус асбоб-ускуналар ва мосламалар қийматини қоплаш, ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, тайёрлаш харажатлари ҳамда ишлаб чиқаришдан ташқари сарфлар бундан мустаснодир. Бу харажат моддалари фақат тайёр маҳсулот таннархига қўшилади.

«Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда тугалланмаган ишлаб чиқариш таннархи ҳом ашё, материаллар харажати бўйича баҳоланиб, қолган ҳамма харажатлар тайер маҳсулот таннархига қўшилади.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклида ишлаб чиқариш харажатларининг умумий ҳисоби 10-журнал-ордерда юритилади. У уч бўлимдан иборат:

1-бўлим — ишлаб чиқариш харажатлари,

2-бўлим — ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементи бўйича ҳисоб-китоби,

3-бўлим — товар маҳсулот таннарҳи ҳисоб-китоби деб аталади.

Журнал-ордернинг биринчи бўлимида ишлаб чиқариш харажатлари «Асосий ишлаб чиқариш» (2010) «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» (2310), «Умумишлаб чиқариш харажатлари» (2510) счетларининг дебети, «Материаллар» (1010) ва бошқа счетларнинг кредити билан корреспонденцияланган ҳолда келтирилади.

Журнал-ордернинг иккинчи бўлимида ишлаб чиқариш харажатларининг харажат гуруҳлари бўйича маълумотлар келтирилади.

Учинчи бўлимда эса товар маҳсулоти таннарҳининг харажат калькуляция моддалари бўйича ҳисоб-китоби келтирилади. Бу бўлим ишлаб чиқариш харажатларининг айрим калькуляция объектлари бўйича ҳисоби ва «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» смети бўйича оборот ведомости ҳисобланади. Ундан ташқари харажатларнинг калькуляция моддалари бўйича товар маҳсулоти таннарҳи ҳақидаги ҳисоботи ҳам ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, жамиятда тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризация қилинади. Инвентаризация уни ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ корхоналарда бир йилда бир марта йиллик ҳисобот тузишдан аввал ўтказилади. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш хусусиятлари, шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда тегашли вазирлик ва бошқармалар томонидан белгиланган муддатларда ҳам инвентаризация ўтказилади.

## 2.3. Тайёр маҳсулотлар ҳисоби

«Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖда тайёр махсулот ҳисоби вазифаларини аниқ ташкил қилиш мақсадида улар омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиб борилади. Пировард, истеъмолга яроқли бўлган махсулот техник назорат бўлими томонидан текширилгандан сўнг омборга топширилади. Тайёр махсулотни омборга қабул қилишда топшириш накладнойи ёки махсулот топшириш ведомостида расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларда топширувчи цех, топширилиш муддати, махсулотнинг номенклатура рақами, унинг оғирлиги, режа таннарҳи ва тегишли моддий жавобгар шахсларнинг имзоси кўрсатилади. Қабул ҳужжатлари асосида бухгалтерия махсулот топшириш ведомостини юритади. Бажарилган иш ёки хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Омборларда махсулот ҳаракатининг миқдор кўрсаткичларидаги ҳисоби варақларда юритилади. Варақага ҳар бир кириш ва чиқим ҳужжатлари асосида махсулот ҳаракати билан боғлиқ операциялар ёзиб борилади.

Тайёр махсулотнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия усулида ташкил қилинади, яъни ҳар бир буюм номенклатура рақамига омбор материаллари ҳисоби карточкаси очилади (№ М-17-шакл). Тайёр махсулотнинг келиб тушиши ва четга берилиши биланоқ омбор ходими ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ ҳисоблаб қўйилади. Бухгалтер ҳар куни тугаган сутка учун омбордан ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак (қабул қилиш-топшириш накладнойи, буйруқ-накладной, товар-транспорт накладнойи).

Омбор ҳисобининг тўғри юритилганлиги омбор ҳисоби карточкасига бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Моддий жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкалари асосида ҳар ойда тайёр махсулот номенклатураси, ўлчов бирлиги сонига таянган ҳолда тайёр махсулотнинг қолдиқ ҳисоби ведомостини тўлдиради. Бу ерда ҳисоб баҳолари бўйича қолдиқлар таксировка қилинади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади.

Махсулот кирими ва чиқими билан боғлиқ операциялар расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар омбор варақаларига ёзилганидан кейин бухгалтерияга топширилади. Ҳужжатлар текширилади, гуруҳланади ва улар асосида тегишли ҳисоб регистрлари тузилади. Тайёр махсулот ҳаракатининг пул шаклида ифодаланган ҳисоби омбор ҳисоби маълумотлари асосида бухгалтерияда юритилади.

Тайёр махсулотнинг синтетик ҳисоби қуйидаги счетларда юритилади<sup>10</sup>:

2810-«Омбордаги тайёр махсулот»

2820-«Қўргазмадаги тайёр махсулот»

2830-«Комиссияга берилган тайёр махсулот».

2810-«Омбордаги тайёр махсулот» смети корхонанинг омборида мавжуд бўлган тайёр махсулот миқдорини билдиради. Ушбу смети дебети

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сон миллий стандарти

2010, 2110, 2310 ва бошқа счетларнинг кредити билан корреспонденцияда корхона омборига қабул қилинган тайёр маҳсулотлар қийматини ифодалайди.

«Қўргонтепадонмаҳсулот» ОАЖда ишлаб чиқаришдан омборга 430269 минг сўмлик тайёр маҳсулот олинди.

Бу мисолга қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади.

Дебет 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот» счёти 430269 м.с.

Кредит 2010 «Асосий ишлаб чиқариш» счёти 430269 м.с.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклида тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисоби 16-қайдномада юритилади. Бу қайднома тўртта бўлимдан иборат бўлиб улар қуйидагилардир:

1-бўлим «Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати» деб номланади ва унда маҳсулотнинг ҳисобот оyi бошланишига қолдиғи, омборга қабул қилинган харидорларга жўнатилган ва ҳисобот оyi охирига ҳисобда қабул қилинган баҳо ҳамда ҳақиқий таннархда кўрсатилади.

2-бўлим «Жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар» деб номланиб, унда жўнатилган маҳсулотларнинг аналитик ҳисоби харидор корхоналар номига ёзилган ҳар бир тўлов талабномаси бўйича алоҳида юритилади.

3-бўлим «Тўланган ва тўланмаган счётлар ҳақида умумий маълумотлар» деб номланиб, унда жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар тўғрисида умумий маълумотлар кўрсатилади.

4-бўлимда солиқ бўйича солиқ идоралари билан ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади.

3-Жадвал

16-қайднома. «Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати»

| Кўрсаткичлар                                                    | Баҳоси бўйича | Таннарх бўйича | Ёзув учун асос                                    |
|-----------------------------------------------------------------|---------------|----------------|---------------------------------------------------|
| Ой бошига қолдиқ                                                | 80000         | 76116          | Аввалги ой учун 16-ведомост                       |
| Ишлаб чиқаришдан қабул қилиш                                    | 434200        | 430269         | Ҳисобот оyi учун маҳсулот ишлаб чиқариш ведомости |
| Қолдиқ билан жами ҳақиқий таннархнинг ҳисоб баҳосига нисбати, % | 514200        | 506385         | Ҳисоблаш йўли: 3 сатр : 2 сатр x 100= 506385x100  |
|                                                                 |               | 98,48          | $\frac{506385}{514200} = 98,48$                   |
| Ҳисобот оyiдаги ортиб жўнатилган маҳсулот                       | 439480        | 432800         | Ҳисобот оyi учун 16-ведомостнинг 2-бўлими         |
| Ой охирига бўлган қолдиқ                                        | 74720         | 73585          | Ҳисоблаш йўли орқали                              |

Ҳисобот даври охирида 16-қайдноманинг ойлик жами суммаси 11-журнал-ордерга кўчирилади. Бу журнал-ордер икки бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлимда тайёр маҳсулот, реализация билан боғлиқ харажатлар смети, жўнатилган товарлар, сотиш, харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб счетларининг кредити бўйича ёзувлар келтирилади. Иккинчи бўлимда маҳсулот сотиш бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари келтирилади. 16-қайднома ва 11-журнал-ордер асосида тузиладиган товарни сотиш ҳақидаги ҳисоботда қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилади: сотилган маҳсулотнинг режа таннархи, режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ, сотиш билан боғлиқ харажатлар смети, солиқ, сотишдан олинган тушум ва охириги молиявий натижа, яъни фойда ёки зарар суммаси.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, омбор ҳисобининг тўғри юритилганлиги омбор ҳисоби карточкасига бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Моддий жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкалари асосида ҳар ойда тайёр маҳсулот номенклатураси, ўлчов бирлиги сонига таянган ҳолда тайёр маҳсулотнинг қолдиқ ҳисоби ведомостини тўлдиради. Бу ерда ҳисоб баҳолари бўйича қолдиқлар таксировка қилинади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади.

## 2.4. Товар-моддий захираларнинг ҳисобини такомиллаштириш йўллари

Йирик ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни таннарҳини тўғри аниқлаш, уларнинг таннарҳи устидан назорат ўрнатиш учун имконият яратади.

Одатда бирлигининг қиймати турлича бўлган товар-моддий захиралар таннарҳи, шунингдек махсус буюртмалар учун мўлжалланган ва ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар таннарҳи ҳам индивидуал аниқ харажатларни ялпи идентификация қилиш усули орқали аниқланиши лозим<sup>11</sup>.

**Ўртача ўлчанадиган қиймат усули (AVERAGE cost) -ТМЗлар** ҳар бир бирлигининг қиймати ҳисобот давридаги бошида бир турдаги ТМЗ бирликлари ва ҳисобот даври давомида сотиб олинган ёки ишлаб чиқарилган бир турдаги бирликларнинг ўртача ўлчанган қиймат бўйича аниқланади. ТМЗ бирлигининг ўртача ўлчанган қиймати ТМЗнинг барча қийматини шу захиралар бирликларининг миқдорига бўлиш билан аниқланади.

**Биринчи ҳарид баҳолари бўйича баҳолаш усули (FIFO – first in first out) -** биринчи кирим қилинган - биринчи бўлиб сотилган - биринчи навбатда сотиб олинган товарларнинг таннарҳи биринчи навбатда сотилган ёки ишлаб чиқарилган товарларга ҳисобдан чиқарилиши керак деган тахминга асосланган.

**Охириги ҳарид нархлари бўйича баҳолаш усули (LIFO-1st in first out!)** охириги кирим қилинган - биринчи бўлиб сотилган - охириги ҳарид қилинган товарларнинг таннарҳи биринчи навбатда сотилган товарларнинг қийматини аниқлаш учун, ҳисобот даврининг охирига бўлган захираларнинг таннарҳи эса биринчи навбатда ҳарид қилинган товарлар таннарҳи асосида ҳисоб қилинади деган тахминга асосланган.

«Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида кунлик ҳисоботлар тузилади. Ой охирида кунлик ҳисоботлар асосида, чиқарилган маҳсулотнинг миқдорини кўрсатувчи суммалар жамланади.

Ҳисобот тузиш учун тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризация қилиш орқали ишлаб чиқариши тугатилмаган ҳамда омборга топширилмаган ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини аниқлаш имконини беради. Ой бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқаришда йўқотилган ҳом ашё бир томонда, ой охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бошқа томонда бўлади. Бу томонлар ўртасида баланс тенглиги деярли бўлмайди.

Таннарҳда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг баҳосига қайта ишлаш харажатлари - иш ҳақи, асосий воситаларни ишлатиш билан боғлиқ харажатлар, цех харажатлари кўрсатилади.

Ҳисобот ойи давомида ишлаб чиқариш харажатларини маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича алоҳида ҳисобга олиб боришнинг

---

<sup>11</sup> Султанова Д.А., Мўминова С.Х., Тўхсанов Х.А., Тўлахўжаева М.М., Мўйдинов Э.Ж., Ким Л.А., Гулямова Ф.Г. “Молиявий ҳисоб” ўқув қўлланма. Ўзбекистон Бизнес Фанлар Ўқитувчилари Ассоциацияси Тошкент, 2004 йил 93 бет.

имконияти йўқ. Шунинг учун ҳисобот оyi охирида жами харажатлар тугалланган ишлаб чиқариш билан тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тақсимланади. Бунинг учун қуйидаги шаклда харажатларнинг умумий ведомости тузилади.

4-Жадвал

### Харажатларнинг умумий ведомости

| Ҳисобот оyi бошига тугалланмаган ишлаб чиқариш | Ҳисобот оyi харажатлари | харажатлар жами | Чиқариб ташланади                      |                       |                                |                         | Ҳисобот охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш | Товар маҳсулотига тўғри келадиган харажатлар |
|------------------------------------------------|-------------------------|-----------------|----------------------------------------|-----------------------|--------------------------------|-------------------------|---------------------------------------------|----------------------------------------------|
|                                                |                         |                 | Ҳом ашё ва материал чиқиндилар қиймати | Брак маҳсулот қиймати | Тугалланмаган маҳсулот қиймати | Бошқа чиқариб ташлашлар |                                             |                                              |
| 1                                              | 2                       | 3               | 4                                      | 5                     | 6                              | 7                       | 8                                           | 9                                            |

Жами ишлаб чиқариш харажатлари суммасидан ҳамма чиқариб ташлашлар ва ҳисобот оyi охирига тугалланмаган ишлаб чиқаришга тўғри келадиган харажатлар олиб ташланганидан кейин ишлаб чиқарилган маҳсулотига тўғри келадиган харажатлар миқдори келиб чиқади.

Демак, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри аниқлаш ва уни тўғри баҳолаш жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарҳини тўғри аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

**3-боб. «Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда материал ресурсларлардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлили.**



### 3.1. Материал ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таҳлил қилиш услуби

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг таҳлили материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлашдан бошланади.

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

- материал қайtimi;
- материал сиғими;
- материал қайтимининг хусусий кўрсаткичлари;
- материал сиғимининг хусусий кўрсаткичлари..

Материал қайtimi (MQ) ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматини шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар қийматига бўлиш орқали аниқланиб, у сарф қилинган бир сўмлик материал ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини билдиради ва у қуйидаги формула билан аниқланади:

$$MQ = \frac{MX}{CM} \quad (1)$$

бу ерда, MX-ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати;  
CM-сарф қилинган материаллар қиймати.

Материал сиғими (MS) маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажмига бўлиш орқали топилиб, у бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилинган материал миқдорини билдиради ва қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$MS = \frac{CM}{MX} \quad (2)$$

бу ерда, CM-сарф қилинган материаллар қиймати;  
MX-ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати.

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини омилли таҳлил қилишда омилли таҳлил қилиш усулларида занжирли боғланиш усули энг мақбули ҳисобланиб, бу боғланишларни қуйидагича таснифлаш мумкин.

1. Материал қайtimi (MQ)ни омилли таҳлил қилиш учун қуйидаги формулаларни келтириб чиқарамиз:

$$\Delta MQ = MQ_1 - MQ_0 = \Delta MQ_{MX} + \Delta MQ_{MC}$$

Бу формуладан қуйидагиларни аниқлаймиз,

$$\Delta MQ_{MX} = \frac{MX_1}{MC_0} - \frac{MX_0}{MC_0}$$

$$\Delta MQ_{MC} = \frac{MX_1}{MC_1} - \frac{MX_1}{MC_0}$$

2. Материал сиғимини (MS) ни омилли таҳлил қилиш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta MS = MS_1 - MS_0 = \Delta MS_{MC} + \Delta MS_{MX}$$

Бу формуладан қуйидагиларни аниқлаймиз,

$$\Delta MS_{MC} = \frac{MC_1}{MX_0} - \frac{MC_0}{MX_0}$$

$$\Delta MS_{MX} = \frac{MC_1}{MX_1} - \frac{MC_1}{MX_0}$$

Материал сиғимининг алоҳида кўрсаткичлари моддий ресурсларнинг айрим турларидан самарали фойдаланишни характерлайди. Улар қаторига ёқилғи сиғими, материал сиғими, ҳом ашё сиғими каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича белгиланган бизнес режанинг бажарилиши, ўтган йилдаги ҳолат билан ҳисобот йилидаги ўзгаришларга баҳо берилади.

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини омилли таҳлил қилиш билан бу кўрсаткичларни ўзгаришига омиллар қай даражада таъсир этганлиги баҳо бериш билан бирга самарадорликни ортишига таъсир этувчи ижобий омилларни аниқлаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этган салбий омилларни аниқлаб келгусида бу омилларни баратараф этиш мумкин бўлади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, материал ресурсларни таҳлил қилишда албатта таҳлил қилиш услубиётини ишлаб чиқиш ва Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.2. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки баҳолаш

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш учун ҳисобот йилида белгиланган бизнес режа билан ҳақиқатдаги кўрсаткичларни, ўтган йил билан ҳисобот йилидаги кўрсаткичларни ўзаро мутобиқлаш равишида таққослаймиз.

«Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки таҳлил қилиш ишларини амалга ошириш учун 5-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз. Жадвал маълумотлари асосида материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги бўйича тузилган бизнес режанинг бажарилишига баҳо берамиз.

5-Жадвал

«Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда 2011 йилда материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги бўйича тузилган бизнес режасининг бажарилиши таҳлили

| (минг сўм ҳисобида) |                  |          |           |                |                  |
|---------------------|------------------|----------|-----------|----------------|------------------|
| №                   | Кўрсаткичлар     | Режа     | ҳақиқатда | фарқи<br>(+;-) | бажарили<br>ши % |
| 1                   | Маҳсулот ҳажми   | 28706405 | 29007046  | +300641        | 101,05           |
| 2                   | Материал сарфи   | 26854123 | 27778364  | +924241        | 103,44           |
| 3                   | Материал қайтими | 1,07     | 1,04      | -0,03          | 97,20            |
| 4                   | Материал сиғими  | 0,94     | 0,96      | +0,02          | 102,13           |

Демак, 5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича тузилган бизнес режа 28706405 минг сўм, уни ишлаб чиқариш учун сарфланиши лозим бўлган материал 26854123 минг сўмни ташкил этиши лозим бўлган. Бизнес режа бўйича материал қайтими 1,07 бўлиб, материал сиғими ҳам ўз навбатида 0,94 ни ташкил этиши белгиланган. 2011 йилда ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 29007046 минг сўм бўлиб, режада белгилангандан +300641 минг сўмга ортган ва белгиланган бизнес режа 101,05%га бажарилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар қиймати 27778364 минг сўм бўлиб, белгиланган ҳажми бўйича тузилган бизнес режа 103,44% га бажарилган. Натижада ҳақиқатдаги материал қайтими 1,04 га тенг бўлиб, режадан -0,03 камайган, ўз навбатида материал сиғими 0,96 га тенг бўлиб, белгиланган бизнес режадан +0,02га ортган.

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки баҳолаш ишларини бажаришда ҳисобот йилидаги кўрсаткичларни ўтган йилдаги кўрсаткичлар билан таққослаш мақсадга мувофиқ бўлиб, таҳлил қилиш учун 6-жадвалда келтирилган маълумотларидан фойдаланамиз.

6-Жадвал

«Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда 2010 йил ва 2011 йилдаги материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларининг таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

| № | Кўрсаткичлар     | 2010 йил | 2011 йил | фарқи<br>(+;-) | Ўзгари<br>ши % |
|---|------------------|----------|----------|----------------|----------------|
| 1 | Маҳсулот ҳажми   | 28070064 | 29007046 | +936982        | 103,34         |
| 2 | Материал сарфи   | 26787346 | 27778364 | +991018        | 103,70         |
| 3 | Материал қайtimi | 1,05     | 1,04     | -0,01          | 99,05          |
| 4 | Материал сиғими  | 0,95     | 0,96     | +0,01          | 101,05         |

Демак, 6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилда «Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда йил давомида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 28070064 минг сўм бўлиб, маҳсулот ишлаб чиқариш учун 26787346 минг сўмлик материал сарфланган. Натижада, 2010 йилда материал қайtimi 1,05 га ва материал сиғими 0,95 га тенг бўлган. 2011 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 2010 йилдагидан +936982 минг сўмга ортган бўлиб, ўсиш суръати 103,34%ни ташкил этган. Ҳисобот йилида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган материаллар 2010 йилдагидан +991018 минг сўмга ортган бўлиб, ўсиш суръати 103,70% ни ташкил этган. Ҳисобот йилида материал қайtimi ўтган йилдагидан -0,01 га камайган ва материал сиғими ўтган йилдагидан +0,01 га ортган.

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда қатор йиллардаги ўзгаришларга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу кўрсаткичларни қатор йиллар давомидаги ўзгаришларини аниқлаш имконияти яратилади. Қуйидаги 7-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, «Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг динамикасини таҳлил қиламиз.

7-Жадвал

«Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда материал ресурслардан фойдаланиш  
самарадорлиги динамикасининг таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

| № | Кўрсаткичлар     | 2009 йил | 2010 йил | 2011 йил | 2009 дан<br>фарқи<br>(+;-) | 2010 дан<br>фарқи<br>(+;-) | 2009<br>дан<br>ўсиши<br>% | 2010<br>дан<br>ўсиши<br>% |
|---|------------------|----------|----------|----------|----------------------------|----------------------------|---------------------------|---------------------------|
| 1 | Маҳсулот ҳажми   | 25508654 | 28070064 | 29007046 | +3498391                   | +936982                    | 113,71                    | 103,34                    |
| 2 | Материал сарфи   | 23647564 | 26787346 | 27778364 | +4130800                   | +991018                    | 117,47                    | 103,70                    |
| 3 | Материал қайtimi | 1,08     | 1,05     | 1,04     | -0,04                      | -0,01                      | 96,30                     | 99,05                     |
| 4 | Материал сиғими  | 0,93     | 0,95     | 0,96     | +0,02                      | +0,01                      | 103,23                    | 101,05                    |

7-Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини қатор йиллар давомидаги ўзгаришлар катта. Чунки, 2009 йилда материал қайtimi 1,08 га тенг бўлса, 2010 йилда 1,05 га тенг бўлган 2011 йилда 1,04 га тенг бўлган. Ачинарли томони бу кўрсаткич ўсиш ўрнига йиллар давомида пасайиб кетган. Маълумки, материал қайтимининг ўсиши ижобий ва пасайиши салбий ҳол ҳисобланади. Материал сиғими ҳам йиллар давомида ўзгарган бўлиб, бу ўзгаришларни 2009 йилда 0,93 га тенг бўлса, 2010 йилда 0,95 га

тенг бўлган 2011 йилда 0,96 га тенг бўлган. Бу кўрсаткич йиллар давомида ўсиб борган. Материал сиғимининг ўсиши салбий ва камайиши ижобий ҳол ҳисобланади.

Демак, айтиш мумкинки, «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги йиллар давомида ёмонлашган.

Хулоса қилиб айтганда, материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки баҳолашда режа кўрсаткичлари билан ҳақиқатдаги, ўтган йилдаги кўрсаткичлар билан ҳисобот йилидаги кўрсаткичлар мос равишда таққосланади. Шунингдек, материал ресурслар самарадорлигини қатор йиллар бўйича таққослаш орқали тўлиқ баҳолаш имконияга эга бўлиш мумкин.

3.3. Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигининг омилли таҳлили

Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилишда бу кўрсаткични омилли таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлиб, омилли таҳлил қилиш натижасида бу кўрсаткичнинг ўзгаришига таъсир этган омилларни аниқлаш имконияти яратилади. Бундан ташқари самарадорликни яхшилаш учун ички имкониятларни аниқлаш ва келгусида бу имкониятларни жалб қилиш ва фойдаланиш мумкин бўлади.

Қуйидаги 8-жадвал маълумотларидан фойдаланиб 2011 йилда «Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда материал қайтимини ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қиламиз.

8-Жадвал

«Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда 2011 йилдаги материал қайтимининг омилли таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

| № | Кўрсаткичлар                                                          | Бизнес режада | Ҳақиқатда | фарқи (+;-) |
|---|-----------------------------------------------------------------------|---------------|-----------|-------------|
| 1 | Махсулот ҳажми                                                        | 28706405      | 29007046  | +300641     |
| 2 | Материал сарфи                                                        | 26854123      | 27778364  | +924241     |
| 3 | Материал қайtimi                                                      | 1,07          | 1,04      | -0,03       |
| 4 | Материал қайтимининг ўзгаришига махсулот ҳажмини ўзгаришининг таъсири | 1,07          | 1,08      | +0,01       |
| 5 | Материал қайтимининг ўзгаришига материал сарфини ўзгаришининг таъсири | 1,08          | 1,04      | -0,04       |

8-жадвалдан фойдаланиб материал қайтимининг ўзгаришига биринчи омилнинг ўзгаришини таъсирини, яъни махсулот ҳажмини ўзгаришининг таъсирини кўриб чиқамиз. Буни амалга ошириш учун (3) формуладан фойдаланамиз.

$$\Delta MQ_{MX} = \frac{MX_1}{CM_0} - \frac{MX_0}{CM_0} = \frac{29007046}{26854123} - \frac{28706405}{26854123} = 1,08 - 1,07 = + 0,01$$

Демак, махсулот ҳажмининг +300641 минг сўмга ортиши ҳисобига материал қайtimi +0,01 га ортган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилган махсулот ҳажмини ортиши материал қайтимини ўзгаришига ижобий таъсир этган.

Материал қайтимининг ўзгаришига иккинчи омилни, яъни сарф қилинган материалларни қийматини ўзгаришининг таъсирини кўриб чиқиш учун (4) формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta MQ_{CM} = \frac{MX_1}{CM_1} - \frac{MX_1}{CM_0} = \frac{29007046}{27778364} - \frac{28706405}{26854123} = 1,04 - 1,08 = - 0,04$$

Демак, сарф қилинган материал қийматини +924241 минг сўмга ортиши ҳисобига, материал қайtimi -0,04 га камайган. Айтиш мумкинки,

сарф қилинган материал қийматини ортганлиги ҳисобига материал қайтимининг ўзгаришига салбий таъсир этган.

Омилли таҳлил қилиш ишлари тўғри амалга оширилганлигини (5) формуладан фойдаланиб текшириб чиқамиз:

$$\Delta MQ = MQ_1 - MQ_0 = \Delta MQ_{MX} + \Delta MQ_{CM} = + 0,01 - 0,04 = - 0,03$$

Омилли таҳлил ўтказишда ўтган йилга нисбатан омилларни таъсирини кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, материал қайтимининг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлилини 2010 йилдагига нисбатан амалга оширамиз. Таҳлил қилиш учун 9-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

9-Жадвал

«Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда 2010 йил ва 2011 йиллардаги материал қайтимининг омилли таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

| № | Кўрсаткичлар                                                              | 2010 йил | 2011 йил | Фарқи<br>(+;-) |
|---|---------------------------------------------------------------------------|----------|----------|----------------|
| 1 | Маҳсулот ҳажми                                                            | 28070064 | 29007046 | +936982        |
| 2 | Материал сарфи                                                            | 26787346 | 27778364 | +991018        |
| 3 | Материал қайтими                                                          | 1,05     | 1,04     | -0,01          |
| 4 | Материал қайтимини ўзгаришига<br>маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини<br>таъсири | 1,05     | 1,08     | +0,03          |
| 5 | Материал қайтимини ўзгаришига<br>материал сарфини ўзгаришини<br>таъсири   | 1,08     | 1,04     | -0,04          |

9-жадвалдан фойдаланиб материал қайтимининг ўзгаришига биринчи омилнинг ўзгаришини таъсирини, яъни маҳсулот ҳажмини ўзгаришининг таъсирини кўриб чиқамиз. Буни амалга ошириш учун (3) формуладан фойдаланамиз.

$$\Delta MQ_{MX} = \frac{MX_1}{CM_0} - \frac{MX_0}{CM_0} = \frac{29007046}{26787346} - \frac{28070064}{26787346} = 1,08 - 1,05 = + 0,03$$

Демак, маҳсулот ҳажмининг +936982 минг сўмга ортиши ҳисобига материал қайтими + 0,03 га ортган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини камайиши материал қайтимини ўзгаришига салбий таъсир этган.

Материал қайтимининг ўзгаришига иккинчи омилни, яъни сарф қилинган материалларни қийматини ўзгаришининг таъсирини кўриб чиқиш учун (4) формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta MQ_{CM} = \frac{MX_1}{CM_1} - \frac{MX_1}{CM_0} = \frac{29007046}{29007046} - \frac{29007046}{27778364} = 1,04 - 1,08 = - 0,04$$

$$CM_1 \quad CM_0 \quad 27778364 \quad 26787346$$

Демак, сарф қилинган материал қийматини +991018 минг сўмга ортиши ҳисобига, материал қайтими - 0,04 га камайган. Айтиш мумкинки, сарф қилинган материал қийматини камайганлиги ҳисобига материал қайтимининг ўзгаришига ижобий таъсир этган.

Омилли таҳлил қилиш ишлари тўғри амалга оширилганлигини (5) формуладан фойдаланиб текшириб чиқамиз:

$$\Delta MQ = MQ_1 - MQ_0 = \Delta MQ_{MX} + \Delta MQ_{CM} = -0,03 + 0,04 = -0,01$$

Материал сиғимини омилли таҳлил қилиш учун 10-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

10-Жадвал

«Қўрғонтепадонмахсулот» ОАЖда 2011 йилдаги материал сиғимининг омилли таҳлили

(минг сум ҳисобида)

| № | Кўрсаткичлар                                                         | Бизнес режада | Ҳақиқатда | Фарқи (+;-) |
|---|----------------------------------------------------------------------|---------------|-----------|-------------|
| 1 | Материал сарфи                                                       | 26854123      | 27778364  | +924241     |
| 2 | Маҳсулот ҳажми                                                       | 28706405      | 29007046  | +300641     |
| 3 | Материал сиғими                                                      | 0,94          | 0,96      | +0,02       |
| 4 | Материал сиғимининг ўзгаришига материал сарфини ўзгаришининг таъсири | 0,94          | 0,98      | +0,04       |
| 5 | Материал сиғимини ўзгаришига маҳсулот ҳажмини ўзгаришининг таъсири   | 0,98          | 0,96      | -0,02       |

10-жадвал маълумотларидан фойдаланиб материал сиғимининг ўзгаришига биринчи омилни ўзгаришининг таъсирини, яъни материал сиғимининг ўзгаришига сарф қилинган материаллар қийматини ўзгаришининг таъсирини кўриб чиқамиз. Буни амалга ошириш учун (6) формуладан фойдаланамиз.

$$\Delta MS_{CM} = \frac{CM_1}{MX_0} - \frac{CM_0}{MX_0} = \frac{27778364}{28706405} - \frac{26854123}{28706405} = 0,98 - 0,94 = +0,04$$

Демак, сарф қилинган материал қийматини + 934241 минг сўмга ортиши ҳисобига материал сиғими +0,04 га ортган. Айтиш мумкинки, сарф қилинган материал қийматининг ортганлиги материал сиғими кўрсаткичига салбий таъсир этар экан.

Материал сиғимининг ўзгаришига иккинчи омил, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ўзгаришининг таъсирини кўриб чиқадиغان бўлсак (7) формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta MS_{MX} = \frac{CM_1}{CM_1} - \frac{CM_1}{CM_1} = \frac{27778364}{27778364} - \frac{27778364}{27778364} = 0,96 - 0,98 = -0,02$$



$$MX_1 \quad MX_0 \quad 29007046 \quad 28706405$$

Демак, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг +300641 минг сўмга ортиши ҳисобига материал сиғими -0,02га камайган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳажмининг ортиши материал сиғимининг ўзгаришига ижобий таъсир этган.

Омилли таҳлил қилиш ишлари тўғри амалга оширилганлигини текшириб чиқамиз:

$$\Delta MS = MS_1 - MS_0 = \Delta MS_{CM} + \Delta MS_{MX} = + 0,04 - 0,02 = + 0,02$$

Материал сиғимини омилли таҳлил ўтказишда ўтган йилга нисбатан омилларни таъсирини кўриб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Таҳлил қилиш учун 11-жадвал маълумотларидан фойдаланамиз.

11-Жадвал

«Қўрғонтепадонмаҳсулот» ОАЖда 2010 йил ва 2011 йиллардаги материал сиғимининг омилли таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

| № | Кўрсаткичлар                                                         | 2010 йил | 2011 йил | фарқи<br>(+;-) |
|---|----------------------------------------------------------------------|----------|----------|----------------|
| 1 | Материал сарфи                                                       | 26787346 | 27778364 | +991018        |
| 2 | Маҳсулот ҳажми                                                       | 28070064 | 29007046 | +936982        |
| 3 | Материал сиғими                                                      | 0,95     | 0,96     | +0,01          |
| 4 | Материал сиғимининг ўзгаришига материал сарфини ўзгаришининг таъсири | 0,95     | 0,99     | +0,04          |
| 5 | Материал сиғимининг ўзгаришига маҳсулот ҳажмини ўзгаришининг таъсири | 0,99     | 0,96     | -0,03          |

10-жадвал маълумотларидан фойдаланиб материал сиғимининг ўзгаришига биринчи омилни ўзгаришининг таъсирини, яъни материал сиғимининг ўзгаришига сарф қилинган материаллар қийматини ўзгаришининг таъсирини кўриб чиқамиз. Буни амалга ошириш учун (6) формуладан фойдаланамиз.

$$\Delta MS_{CM} = \frac{CM_1}{MX_0} - \frac{CM_0}{MX_0} = \frac{27778364}{28070064} - \frac{26787346}{28070064} = 0,99 - 0,95 = + 0,04$$

Демак, сарф қилинган материал қийматини +991018 минг сўмга ортиши ҳисобига материал сиғими +0,04 га ортган. Айтиш мумкинки, сарф қилинган материал қийматининг камайиши материал сиғими кўрсаткичига ижобий таъсир этар экан.

Материал сиғимининг ўзгаришига иккинчи омил, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини ўзгаришининг таъсирини кўриб чиқадиغان бўлсак (7) формуладан фойдаланамиз:

$$\Delta MS_{MX} = \frac{CM_1}{MX_1} - \frac{CM_1}{MX_0} = \frac{27778364}{29007046} - \frac{27778364}{28070064} = 0,96 - 0,99 = - 0,03$$

Демак, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг +936982 минг сўмга ортиши ҳисобига материал сиғими - 0,03 га камайган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳажмининг камайиши материал сиғимининг ўзгаришига салбий таъсир этган.

Омилли таҳлил қилиш ишлари тўғри амалга оширилганлигини текшириб чиқамиз:

$$\Delta MS = MS_1 - MS_0 = \Delta MS_{CM} + \Delta MS_{MX} = 0,04 - 0,03 = + 0,01$$

Хулоса қилиб айтганда, материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини омилли таҳлил қилиш натижасида самарадорлик кўрсаткичига таъсир этувчи омилни, ҳамда салбий таъсир этувчи омилни аниқлаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Аниқланган ижобий омиллардан келгусида фойдаланиб, салбий омилларни бартараф этиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

**Хулоса ва таклифлар**

Хулоса қилиб айтганда, товар моддий заҳираларни туркумлаш улардан фойдаланишни бир маъромда боришини таъминлайди. Шунингдек, уларни балансда акс эттиришда таннархдан ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам баҳо бўйича баҳоланади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларда товар-моддий заҳираларнинг ҳисоби «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари асосида юритилади.

Иқтисодий адабиётларда хўжалик юритувчи субъектларнинг материал ресурсларини таҳлил қилишнинг зарурати, аҳамияти ва вазифалари белгилаб берилган бўлиб, уларни тўлиқ ўрганган ҳолда материал ресурсларни таҳлил қилишдан олинган натижа биринчидан уларнинг самарадорлигини ошириш имкониятларини берса, иккинчидан келгисидаги самарадорликни прогноз қилиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда «Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖда товар-моддий заҳираларнинг ҳаракатини ҳисобга олишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 28 август 1998 йилда № 486 билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 27 август 1998 йилда № 44 билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 4-сонли “Товар-моддий заҳиралар” номли миллий стандартдан, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 23.10.2002 йилда № 1181 рақами билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 09.09.2002 йилда № 103 рақами билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сон миллий стандартида товар-моддий заҳираларини ҳисобга олиш учун белгиланган счётлардан фойдаланилади.

Жамиятда тугалланмаган ишлаб чиқариш инвентаризация қилинади. Инвентаризация уни ўтказиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ корхоналарда бир йилда бир марта йиллик ҳисобот тузишдан аввал ўтказилади. Ундан ташқари, ишлаб чиқариш хусусиятлари, шарт-шароитлари ҳисобга олинган ҳолда тегашли вазирлик ва бошқармалар томонидан белгиланган муддатларда ҳам инвентаризация ўтказилади.

Жамиятда омбор ҳисобининг тўғри юритилганлиги омбор ҳисоби карточкасига бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади. Моддий жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкалари асосида ҳар ойда тайёр маҳсулот номенклатураси, ўлчов бирлиги сонига таянган ҳолда тайёр маҳсулотнинг қолдиқ ҳисоби ведомостини тўлдиради. Бу ерда ҳисоб баҳолари бўйича қолдиқлар таксировка қилинади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади.

Шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмини тўғри аниқлаш ва уни тўғри баҳолаш жамиятда ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарҳини тўғри аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

«Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖда материал ресурсларни таҳлил қилишда албатта таҳлил қилиш услубиётини ишлаб чиқиш ва Материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамиятда материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини дастлабки баҳолашда режа кўрсаткичлари билан ҳақиқатдаги, ўтган йилдаги кўрсаткичлар билан ҳисобот йилидаги кўрсаткичлар мос равишда таққосланади. Шунингдек, материал ресурслар самарадорлигини қатор йиллар бўйича таққослаш орқали тўлиқ баҳолаш имконияга эга бўлиш мумкин.

«Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖда маҳсулот ҳажмининг +936982 минг сўмга ортиши ҳисобига материал қайтими + 0,03 га ортган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини камайиши материал қайтимини ўзгаришига салбий таъсир этган.

Жамиятда сарф қилинган материал қийматини +991018 минг сўмга ортиши ҳисобига, материал қайтими - 0,04 га камайган. Айтиш мумкинки, сарф қилинган материал қийматини камайганлиги ҳисобига материал қайтимининг ўзгаришига ижобий таъсир этган.

Сарф қилинган материал қийматини + 934241 минг сўмга ортиши ҳисобига материал сиғими +0,04 га ортган. Айтиш мумкинки, сарф қилинган материал қийматининг ортганлиги материал сиғими кўрсаткичига салбий таъсир этар экан.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг +300641 минг сўмга ортиши ҳисобига материал сиғими -0,02га камайган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳажмининг ортиши материал сиғимининг ўзгаришига ижобий таъсир этган.

Жамиятда сарф қилинган материал қийматини +991018 минг сўмга ортиши ҳисобига материал сиғими +0,04 га ортган. Айтиш мумкинки, сарф қилинган материал қийматининг камайиши материал сиғими кўрсаткичига ижобий таъсир этар экан.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг +936982 минг сўмга ортиши ҳисобига материал сиғими - 0,03 га камайган. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқарилган маҳсулотни ҳажмининг камайиши материал сиғимининг ўзгаришига салбий таъсир этган.

«Қўргонтепадонмахсулот» ОАЖда материал ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини омилли таҳлил қилиш натижасида самарадорлик кўрсаткичига таъсир этувчи омилни, ҳамда салбий таъсир этувчи омилни аниқлаш имкониятига эга бўлиш мумкин. Аниқланган ижобий омиллардан келгусида фойдаланиб, салбий омилларни бартараф этиш имкониятига эга бўлиш мумкин.

Ишнинг якунида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди: